

Эрамизнинг 551 йилида Олтойда янги давлат – Турк хоконлиги юзага келди. Турк хоконлиги хукмдори Муканхокон (554-576 йй.) ва унинг амакиси Истами Ябгуларнинг Ўрта Осиёга юришлари VI асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йилларида айникса ку-чайди. 568 йили Ўрта Осиё батамом улар кўлига ўтди. Улар аввал кўпрок ўзлаштирилмаган ерларга, сўнгра аста-секин махаллий аҳоли яшайдиган кишлокларга якинлашиб, ерли халк маданий-хўжалик ютуклари таъсирида ярим ўтрок ва кўп холларда ўтрок турмуш кечиришга, улар билан иктисодий ва маданий алокани кучайтиришга муяссар бўлдилар. Натижада Хоразм, Фаргона, Сўгднинг катта қисмида яшовчи туркий кабилалар улар билан аралашиб кетди.

VI асрнинг 60-70 йилларида хоконлик кабилалари Бухоро воҳаси ва хатто Шимо-лий Афғонистон ҳудудларига ҳам бориб ўрнаша бошладилар. Бунинг натижасида махаллий аҳоли билан ўзаро якинлашув ва кон-қариндошлик алоқаларининг ри-вожланиши жараёни содир бўла бошлади. 603 йилга келиб Турк хоконлиги узил-кесил 2 қисмга: Шаркий ва ўрбий қисмларга бўлиниб кетади. Ўрта Осиёдаги бир не-чта кичик ярим мустақил давлатлар ўрбий Турк хоконлиги таркибида эди.

Янги ер эғалиги муносабатлари ривожланаётган ўрб хоконлигининг ижтимоий таркиби ҳам, сиёсий бошқаруви ҳам анча-мунча мураккаб эди. Ярим асрлик хукмронлик жараёнида туркларнинг бир қисми ўтроқлашади, қолганлари ерли чор-вадорлар билан аралашиб кетади. Ўтрок ҳаётнинг анъанавий-маъмурий удумлари таъсирида бошқарув таркиблари аста-секин ўзгариб, хоконлик кабилаларининг иж-тимоий-сиёсий мавқеи мустаҳкамланиб боради. Турклар этник-сиёсий ҳаётда фаол-лашиб, Ўрта Осиё жамиятининг барча жабҳаларида тенг катнаша бошлайдилар. Хокон Шегуй вафотидан кейин (618 й.) ҳокимиятга келган Тўн Ябгу (Тўн баходир) даврида ўрбий хоконлик янада кучаяди.

Бу жараёни тўхтатиш учун ҳеч бир сиёсий куч майдонга чиқмади. Аксинча, махаллий аслзодалар, айникса, сўгд зодагонлари турк хоконлари ҳимоясида ўз савдо-сотик ишларини ривожлантириб, бу ишлардан жуда катта даромад олар эдилар. Туркий аҳоли сон жихатдан кўпайиб, уларнинг махаллий аҳоли ўртасидаги этник катлами тобора калинлашиб борди. Айникса, туркий катлам VII-VIII асрларда Шош ва Фарғонада устун даражага эга эди. Гарчи ўрбий Турк хоконлиги 659 йилга келиб парчаланиб кетса-да, унинг этник таъсири ўлкада сақланиб қолди.

VIII аср бошида арабларнинг Ўрта Осиёга бостириб кириши махаллий аҳоли этно-генезига деярли таъсир кўрсатмади. Араблар улардан сиёсий хукмронликни тортиб олиб, туркий халкларнинг Ўрта Осиёга кириб келиш жараёнига чек қўя бошладилар. Хоконлик кабилаларининг махаллий аҳоли билан аралашиб кетиши, уларнинг тобора ўтрок ҳаёт тарзига ўтиши ҳолати юз берди. Туркий тил тобора кенг тарқала бошла-ди. Араблар туркий халклар таъсирини синдириш мақсадида Мовароуннахрни эрон-ликларга якинлаштириш сиёсатини тутдилар. Шу мақсадда Ўрта Осиёга VIII-IX аср-ларда арабий ва эроний оилаларни кўчириб келтириб жойлаштириш сиёсатини юргиздилар. Бу даврга келиб турклар ўз таъсирларида Еттисувни сақлаб қолдилар ҳолос.